



**ТИЖОРAT БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИ МОЛИЯВИЙ
НАТИЖАДОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

Алимжанова Дилрабо Собиржановна

Tashkent International University мустақил изланувчиси

d.alimjanova@tmci.uz ORCID: 0009-0007-3391-3526

Аннотация: *Мақолада тижорат банклари фаолиятининг молиявий натижадорлигининг шаклланиши ва унинг назарий асослари тадқиқ этилган. Хорижий ва маҳаллий олимларнинг банкларнинг молиявий фаолияти самарадорлигининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилган илмий хулоса ва ёндашувлар тизимлаштирилган. Ўзбекистон банк тизимининг ўзига хос жиҳатлари ва статистик кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Банкларнинг молиявий кўрсаткичлари асосида натижадорликни таъминлашга қаратилган илмий ва амалий ёндашувларни ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *молиявий барқарорлик, рентабеллик, активлар сифати, капитал етарлилиги, харажатларнинг даромадга нисбати, фоизли ва фоизсиз маржа.*

Кириш

Банкларнинг фаолияти кўп жиҳатдан тижорат хусусиятини ташкил этади. Мазкур фаолиятнинг молиявий натижаси банкнинг молиявий қарорларни самарали қабул қилиши билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Ҳозирги кунда банкларнинг молиявий натижаси уларнинг биргина даромад ҳажми билан чегараланиб қолиши керак эмаслиги кўплаб илмий адабиётларда қайд этилмоқда. Молиявий натижадорлик самарадорликка нисбатан каттароқ тушунчани ўзида ифодалаб беради, деб ўйлаймиз.

Банкнинг молиявий натижадорлиги фаолиятнинг қанчалик даражада барқарор ташкил этилганлиги билан аниқланади ва баҳоланади, десак муболаға бўлмайди. Банкнинг натижадорлиги ўзининг мавжуд ресурсларидан барқарор мувозанатни таъминлаган ҳолда фойдаланишини назарда тутди. Жумладан, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали бир бирлик харажат миқдорида тўғри келадиган даромадлилик даражасини ошириш, активлар ва капитал рентабеллигини мустаҳкамлаш каби тенденцияларни келтириш мумкин.

Бизнингча, банкларнинг молиявий натижадорлиги икки йўналишда ўз аксини топади. Биринчидан, даромадлилик даражасининг барқарорлиги. Бунда фоизли, фоизсиз даромадларнинг мустаҳкам асосларга эга бўлиши билан ўз аксини топади.

Иккинчидан, банкнинг активлари ва капитали рентабеллиги каби ҳолатлар билан ўз ифодасини шакллантиради, десак мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу нуқтаи назардан, банкларнинг молиявий натижадорлигини белгилаб берувчи омилларни ажратиб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.



Биринчидан, активлар рентабеллигининг барқарорлиги. Банк активларидан самарали фойдаланиш натижасида банкларнинг молиявий натижадорлигини оширишга имкон туғилишини қайд этиш лозим.

Иккинчидан, капитал ренбателлиги сармадорлиги. Банк ўзининг капиталидан самарали фойдаланиши ва унинг ҳар бир бирлигидан юқори қиймат ярата олиш имкониятига эга бўлиш. Бунда банк ўзининг инвестициявий ва кредит сиёсатини барқарор бўлишига эришиш лозим бўлади.

Учинчидан, фоиз маржаси барқарорлиги. Бунда банк томонидан фоиз даромадларининг фоиз харажатларига нисбатан юқори даражани ифода этиши билан изоҳланади. Бу эса, банкнинг фоиз сиёсати самарадорлигини аниқлаш ва баҳолашга имкон беради.

Тўртинчидан, банк харажатлари даромадига нисбати мустаҳкамлиги. Бунда операцион харажатларнинг операцион даромадларга нисбатан даражасининг самарали бўлиши билан изоҳланади. Бошқача айтганда, банк ўз харажатларини бошқаришдаги самарадорлигини ифодалаб беради.

Бешинчидан, фоиз спреди даражаси. Ўртача фоизли даромаднинг ўртача фоизли харажатга нисбатан миқдори назарда тутилади. Бу билан эса, банкнинг фоиз сиёсати самарадорлигини баҳолашга имкон туғилади.

Мавзуга оид адабиётлар рўйхати

Шунингдек, ҳозирги кунда банкларнинг молиявий натижадорлигини ифода этадиган ёндашувларни ҳам тизимлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда биринчидан, неоклассик ёндашувни қайд этиш лозим. Банклар ўз фаолияти моҳиятида тижорат ташкилоти бўлганлиги сабабли кредит фаолияти, фоиз ставкаларининг барқарорлиги ва молиявий рисклар билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Иккинчидан, институционал ёндашув. Мазкур ёндашувнинг хусусияти банкларнинг молиявий натижадорлигини аниқлашнинг ташқи омили сифатида вужудга келади. Жумладан, қонунчилик асослари, монетар сиёсат, бозор инфратузилмаси кабиларни келтириш мумкин.

Учинчидан, банкнинг молиявий натижадорлиги банкнинг капитал етарлилиги (CAR), ликвидлик (LCR, NSFR) ва кредит рискларини бошқариш даражаси билан ҳам баҳоланади. Унга кўра, рискли ёндашувнинг вужудга келишини инобатга олиш зарур ҳисобланади.

М.Адам томонидан амалга оширилган изланишларда банк фаолиятининг молиявий натижадорлигини баҳолашда “молиявий коэффициентлар (financial ratios)”нинг ўрни ва аҳамиятини таҳлил қилинади. Муаллиф тадқиқоти давомида Erbil Bankнинг молиявий натижадорлигини молиявий коэффициентлар асосида таҳлил қилиб ўтади. Унинг фикрича, молиявий натижадорликни баҳолашда биргина фойда ёки активлар ҳажми эмас, ваҳоланки капиталдан фойдаланиш самарадорлиги, ликвидлик ва риск даражасига ҳам эътибор бериш лозимги қайд этиб ўтилади. М.Адам ўзининг изланишлари давомида банкнинг молиявий ҳолатини маълум бир молиявий



коэффициентлар ёрдамида баҳолашга эътибор қаратади. Жумладан, рентабеллик, ликвидлик, молиявий левераж ва риск коэффициентлари кабиларни келтириб ўтиш мумкин [1].

П.Пинто ва бошқалар биргаликда амалга оширган тадқиқотда тижорат банкларининг молиявий натижадорлигини баҳолашда иқтисодий ва молиявий коэффициентларнинг интеграциялашган тизимини қўллаш орқали илмий асосланган таҳлилни амалга оширган. Улар томонидан банкларнинг молиявий натижадорлигини белгилайдиган омилларни таснифлашга эътибор қаратилади. Муаллифлар 2011-2018 йилларда банкларнинг фаолиятини нисбат таҳлил, CAMEL модели ва корреляцион таҳлил кабилардан фойдаланган ҳолда илмий хулосаларини асослашга ҳаракат қилишади. Мазкур тадқиқотни амалга оширишда капитал етарлилиги, активлар сифати, менежмент (бошқарув) самарадорлиги, рентабеллик ва ликвидлик муаммолари кабиларни таҳлил қилиш асосида илмий ёндашувларини тизимлаштириб беришади. Капитал етарлилиги барқарорликни таъминлашда асосий омил, активлар сифати рентабеллик билан тескари пропорционал эканлиги ва бошқарув самарадорлиги юқри бўлган банкларда операцион даромадларнинг ижобий бўлиши қайд этиб ўтилади [2].

Банкларнинг молиявий фаолияти натижадорлиги унинг маълум бир молиявий кўрсаткичлари тенденциялари билан таҳлил қилиниши муҳим ҳисобланади. Бунда банкларнинг капиталдан фойдаланиш самараси ва активларнинг сифати каби ҳолатлар асосий омил бўлиб ҳисобланади. Банкларда молиявий натижадорликнинг фойдаланиши молиявий қарорларнинг самарадорлиги билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Айрим хорижий тадқиқотларда ҳам кўриниб турибдики, банкларда молиявий кўрсаткичларга нисбатан шакллантириладиган ёндашувлар молиявий натижадорликка асосий таъсир этадиган ҳолатларни акс эттиришини кўриш мумкин.

РюДюёнг томонидан амалга оширилган тадқиқотда онлайн равишда молиявий хизматларни тақдим этувчи банклар билан анъанавий банклар билан молиявий натижадорлигини қиёсий таҳлил қилади. У томонидан интернет технологиялари орқали фаолият олиб боровчи банкларми ёки анъанавий банклар самарали молиявий натижага эгами деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилади. 1990 йиллар охирида АҚШда фаолият бошлаган банкларнинг натижалари таҳлил қилинади. Муаллиф капитал ва активлар рентабеллиги, харажатларнинг даромадга нисбати, соф фоиз маржаси ва фоизсиз харажатлар улушини таҳлил қилиш асосида илмий хулосаларини асослашга эътибор қаратади. Унинг илмий хулосаларида банк натижадорлиги фақат молиявий кўрсаткичларга эмас, балки технологик самарадорлик ва мижозлар аудиторияси орқали ҳам аниқланишини қайд этади. Шунингдек, рақамли технологияларга қилинган инвестициялар дастлаб фойдани камайтирсада, узок муддатда рентабеллик ва мижоз сонини оширишга олиб келишини кўрсатиб беради. Бундан ташқари, интернет орқали молиявий хизматлар тақдим этувчи банклар учун ликвидлик ва риск бошқаруви сиёсати муҳимлигини уларнинг фаолияти интернетдаги ўзгаришларга сезувчанлиги билан изоҳланади [3].



Ф.Ганги ва бошқалар биргаликда амалга оширган тадқиқотда банкларда корпоратив ижтимоий жавобгарлик ва молиявий натижадорлик ўртасидаги боғлиқлик аниқлашга ва уни баҳолашга эътибор қаратилади. Уларнинг фикрича, ижтимоий жавобгарлик учун йўналтирилган ресурслар узоқ муддатда банкнинг даромадлилик даражасини оширишини қайд этиб ўтишади. Тадқиқотда Европанинг 120га яқин банкларининг 2006-2015 йиллардаги маълумотлари асосида таҳлиллар амалга оширилади. Молиявий натижадорлик кўрсаткичлари сифатида активлар ва капитал рентабеллиги кабиларни қамраб олади. Ижтимоий жавобгарлик кўрсаткичи сифатида ESG йўналишлари танлаб олинган. Банклар нафақат акционерлар, балки жамият, мижозлар ва ходимлар манфаатларини ҳам ҳисобга олса, бу уларнинг узоқ муддатли барқарор фойдалилигига хизмат қилиши таъкидлаб ўтилади. Шунингдек, ижтимоий жавобгарлик фаолияти банкнинг жамиятдаги қонунийлигини мустаҳкамлаш билан бирга молиявий барқарорлик таъминлашга хизмат қилади, деб қайд этиб ўтади [4].

Фикримизча, банкларнинг молиявий натижадорлигини ифодаладиган кўрсаткичлар билан бирга иқтисодиётдаги ислохотлар ва ўзгаришларнинг ҳам таъсири аҳамиятли бўлади экан. Жумладан, рақамли технологияларнинг жорий этилиши ҳам молиявий натижадорликка ижобий таъсир этиши ва унинг узоқ муддатли хусусият касб этиши эътиборга молик. Айниқса, банкларнинг масштаб қўламига асосланган ҳолда молиявий хизматларнинг тақдим этилиши молиявий натижадорликни оширишга олиб келишини қайд этиш мумкин. Шунингдек, банкларнинг жамият олдидаги ижтимоий жавобгарлигини ҳам инобатга олиниши нафақат унинг молиявий барқарорлигига, балки обрўсининг ошишига хизмат қилишини таъкидлаш лозим.

Банкларнинг молиявий натижадорлигини ифодаловчи тадқиқотларни рус тилида эълон қилинган илмий ишларда ҳам кўриш мумкин. Жумладан, С.Зубов Россиядаги банкларнинг 2021 йилдаги асосий молиявий натижаларининг шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар ва пандемиянинг таъсирини таҳлил қилади. Ушбу даврда банк тизимининг умумий даромади 2,4 трлн. рублга етганлигини қайд этади. Активларнинг ўсиши 11 фоизга етганлигини ва натижада активлар рентабеллиги 2,2 фоизни ва капитал рентабеллиги 20 фоиз атрофида эканлигини қайд этиб ўтади. Умумий олганда, ички талабнинг тикланиб ипотека бозоридаги фаоллик, давлатнинг рағбатлантирувчи функцияси, паст фоиз сиёсати ва рақамлаштириш жараёнларининг фаоллашуви билан алоҳида изоҳланди. Хулоса сифатида молиявий натижадорлик давлат сиёсатининг синергияси ва рақамлаштиришнинг роли муҳим эканлигини таъкидлаб ўтилади [5].

Т. А. Пожидаева ва О.И. Щетинина томонидан биргаликда тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу изланишларда тижорат банкларида операцион рисклар ва молиявий натижадорлик ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилишади. Улар томонидан Россиянинг 2010-2015 йиллардаги йирик банкларининг операцион риск бўйича йўқотишлари, соф фойда, рентабеллик кўрсаткичлари, харажат-даромад нисбати, рискка тортилган активлар ва капитал етарлилиги кабилар таҳлил қилинади. Банклар фойдалилигига таъсир этувчи омиллар қаторида операцион рисклар салбий ва 25-30 атрофидаги



улушга эга эканлигини кўрсатиб беради. Шунингдек, қайд этиш лозимки банклардаги молиявий йўқотишларнинг 60 фоиздан ортиғи ахборот тизимидаги хатолар, ички назоратдаги мураккабликлар ва ходимларнинг эътиборсизлиги натижасида келиб чиқишини кўрсатиб ўтади [6].

М.Антонова ва В. Мишенин биргаликда 2016-2020 йилларда Россиянинг 25та йирик банкининг жалб этилган депозитлари ва бошқа ресурслари унинг актив операциялари ва даромадлилиги, рентабеллигига таъсирини аниқлашга эътибор қаратишади. Банкнинг активлар ва капитал рентабеллиги кўрсаткичларига депозитлар, активлар ҳажми, мижозлар сони ва капитал етарлилиги кабиларнинг таъсирини корреляция-регрессия таҳлили асосида илмий хулосаларни асослаб беришади. Уларнинг фикрича, ресурс базасининг ўсиши банк фаолиятининг кенгайиши учун зарур бўлсада, фойдалилик даражасига оптимал ҳажмни топши лозимлиги, фойдалиликни ошириш учун банклар ресурс базасини кенгайтириш ва ўрта муддатли пасивлар миқдорини ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилади. Шу билан бирга, капитал етарлилиги ва ликвидлик даражаси орқали рискни камайтириш асосида барарорликни таъминлаш мумкинлиги асосланади [7].

Бизнингча, банкларнинг моливий натижадорлиги кўп жиҳатдан банкларнинг молиявий кўрсаткичларига боғлиқ экан. Жумладан, Россия банкларида ҳам рентабеллик, харажатларнинг даромадларга нисбатан улуши, жалб этилган ресурсларнинг тенденциялари кабиларни келтириш мумкин. Шу билан бирга, қуйидаги илмий ёндашувларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, операцион рисклар – ахборот тизимларидаги муаммолар, ходимлар хатоси, ички назоратдаги мураккабликлар банк молиявий натижадорлигига салбий таъсир этади экан. Бу эса, банк рентабеллигининг камайишига олиб келади экан.

Иккинчидан, банкларнинг молиявий ресурс базасини кенгайтиришда жалб этилган маблағлар маълум бир ҳажмга қадар молиявий натижадорликка ижобий таъсир этса, меъёридан ортган депозитлар миқдори банк маржасини камайтиришга олиб келишини таъкидлаб ўтади. Шундан келиб чиқиб, умумий активларнинг улушида жалб этилган маблағларнинг ҳажми 70-75 фоиз атрофида бўлиши лозимлигини таъкидлаб ўтади.

Учинчидан, банкларнинг молиявий натижадорлиги ошиши мамлакатда ички талабнинг ортиши ва давлатнинг рағбатлантирувчи функциясининг фаоллашуви билан бевосита боғлиқ эканлиги асослаб берилган. Шу нуқтаи назардан, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда рақамли технологияларнинг жорий этилиши, диверсификация сиёсати ва рискни самарали бошқариш муҳим аҳамият касб этиши қайд этиб ўтилган.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар марказининг амалга оширган тадқиқотларида Ўзбекистон банк секторининг 2025 йил III чорагидаги молиявий натижалари борасидаги хулосаларини кўриш мумкин. Бунда “Банк фаоллик индекси” тамойили асосида банкларнинг молиявий фаолияти тизимлаштирилган. Мазкур таҳлилга оид айрим рақамларни қуйида кўриб ўтишимиз мумкин [8].



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATION G'OYALAR



Умуман олганда, 2025 йилнинг дастлабки учта чорагида активларнинг ҳажми 863 трлн. сўмга ва мажбуриятлари миқдори эса 734 трлн. сўмга тенг бўлганлигини қайд этиш лозим. Мижозларнинг депозитлари ҳажми ортиб, ўсиш 28 фоизга етганлигини қайд этиш лозим. Шунингдек, соф фойда 9 трлн.с сўмга етиб, капитал рентабеллиги 11,2 фоизга ошганлигини кузатиш мумкин. эътиборли жиҳати, муаммоли кредитлар ҳажми улуши 4,2 фоиздан 3,8 фоизга ўзгарганлиги банк фаолиятининг молиявий натижадорлигини ўсиб бораётганлигини ўзида ифодалаб беради.

Фикримизча, банкларнинг умумий фаолияти бўйича тузилган рейтингда молиявий кўрсаткичларга алоҳида эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин. Бунда молиявий воситачилик, молиявий оммбоплик, капитал етарлилиги, активлар сифати, бошқарув самарадорлиги ва даромад олиш салоҳияти ва ликвидлик даражаси кабиларни инobatта олган ҳолда банкларнинг молиявий фаолияти рейтинг шакллантирилганлигини кузатиш мумкин.

Таҳлил ва натижалар

Эътибор бериш лозим, мамлакатимиз банклари фаолиятини рейтинг асосида тизимлаштириш мезонларида ҳам молиявий кўрсаткичларнинг роли муҳим эканлигини кўриш мумкин. Бу эса, банкларнинг рейтинг балларини ишшлаб чиқишда молиявий натижадорликнинг роли муҳим эканлигини ўзида ифодалаб беради.

1-жадвал

2025 йил III чораги учун йирик банклар фаоллиги рейтинги [9]

Банк номи	Умумий рейтинг	Рейтинг ўзгариши	Молиявий воситачилик	Молиявий оммбоплик	Капитал етарлилиги	Активлар сифати	Бошқарув самарадорлиги	Даромад олиш салоҳияти	Ликвидлик
Капитал банк	1	0	4	1	13	15	6	4	6
Траст банк	2	0	5	15	1	8	7	3	3
Ҳамкорбанк	3	0	11	2	8	4	5	2	11
Азия Альянс банк	4	0	3	19	19	2	4	1	1
Ипак йўли банк	5	+1	12	5	11	1	9	6	4
Анор банк	6	-1	1	6	20	9	11	9	12
Инвест Финанс банк	7	+1	2	11	15	5	13	14	7
Давр банк	8	+1	9	12	14	7	8	8	9



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'OYALAR



Ориент банк	9	+1	13	18	4	3	3	5	13
Халқ банки	10	-3	8	10	2	19	15	11	5
Ипотека банк	11	+1	10	8	6	20	14	7	8
Алоқа банк	12	-1	6	9	16	6	12	18	16
Бизнесни РБ	13	0	17	3	9	17	10	15	14
ЎзМиллий банк	14	+2	19	17	7	18	1	10	10
ЎзСҚБ	15	0	18	13	17	16	2	13	15
Тенге банк	16	-2	7	20	3	10	18	12	2
Микрокредит банк	17	0	15	7	5	13	20	16	17
Агро банк	18	0	14	4	10	11	17	20	19
Асака банк	19	+1	16	16	12	14	16	19	18
Турон банк	20	-1	20	14	18	12	19	17	20

Эътибор бериш лозим, банкларнинг рейтинги шаклланишида даромадлилик даражаси ва ликвидлик муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, деб ўйлаймиз. Бунинг сабаби сифатида ушбу рақамлар билан рейтинг категориясининг ўзаро уйғунликда шаклланаётганлигини кузатиш мумкин (1-жадвалга қаранг).

Шунингдек, 1-жадвалдан кўриниб турибдики, банкларнинг фаолиятига доир рейтингнинг дастлабки ўнлигида асосий субъектлар сифатида давлат улуши бўлмаган банклар билан шаклланганлигини қайд этиш лозим. Бу ҳам бўлса банкларнинг молиявий натижадорлигида мулкчилик шаклининг ўзига хос бўлган таъсирини ифодалашга хизмат қилади. Бизнингча, банкларнинг молиявий натижадорлигини оширишда давлатнинг рағбатлантириш муҳим бўлиш билан бирга, унинг иқтисодиётга аралашувини оптималлаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади экан.

Тижорат банкларининг молиявий натижадорлиги ҳақида фикр юритилганда унинг молиявий кўрсаткичларига эътибор бериш лозим ҳисобланади. Бу эса, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Х.Зуннунова ўзининг докторлик диссертациясида банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш мураккаб жараён эканлигини қайд этиб ўтади. Унинг фикрича, банк капиталининг етарлилиги, депозит ҳажми, активлар сифати ва банк ишончлилиги кабиларни табақалаштирилган кўрсаткичлар асосида баҳолаш банкнинг молиявий барқарорлигини ифодалашга хизмат қилишини қайд этиб ўтади. Шунингдек, банк тизимида аҳамияти юқори бўлган банкларни ажратиб олишда қўйиладиган мезонларни жорий этишни таклиф этиб, давлат дастурларини молиялаштириш билан шуғулланувчи махсус банклар эканлигини кўрсатишга эътибор берди. Умуман олганда, тадқиқотни амалга оширишда давлат ва хусусий банкларнинг молиявий



натижадорлигини таҳлил қилиш асосида илмий хулосаларини асослашга эътибор қаратди [10].

Банкларнинг молиявий натижадорлиги борасида Ш.Ханнаев ҳам ўзининг тадқиқотларида илмий ёндашувларини асослашга эътибор қаратган. Унинг илмий хулосаларида банкларнинг фаолият самарадорлиги ҳақида фикр юритилган. У томонидан рентабеллик, умумий харажатларнинг умумий активларга, умумий харажатларнинг умумий даромадларга нисбати олинган. Натижада, давлат банклари активлари рентабеллиги самарали бошқарилмаганлиги, капитал рентабеллиги ҳам давлат банкларида барқарор эмаслиги қайд этилган. Шунингдек, хусусий банкларда капитални бошқариш самарали бўлиши унинг рентабеллигини оширишга олиб келаётганлигини кўрсатиб ўтади [11].

Р.Бозоров ўзининг докторлик диссертациясида банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий хулосаларни асослашга эътибор қаратади. У томонидан банкларнинг барқарорлиги – молиявий, умумий, тижорий, функционал ва ташкилий-структуровий барқарорликка ажратилиши таклиф этилган. Шунингдек, банк активларини таркибини оптимallasштириш мақсадида “активларни жойдан-жойга кўчириш назарияси”га амал қилган ҳолда молия бозорида фаолият олиб боришни такомиллаштириш тавсия этилади. Кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотиш миқдори активлари ўртача қийматига нисбатини халқаро стандартлар даражасига етказиш орқали молиявий барқарорликни таъминлаш асослашга ҳаракат қилинган.

2-жадвалда келтирилган маълумотларда мамлакатимиз банк тизимининг молиявий кўрсаткичларининг ривожланиш тенденциялари кўрсатилган. Банк тизими активлари 2024-2025 йилларда 18 фоизга ошган бўлса, ушбу даврда мажбуриятлар ҳажми 17 фоизга ўсганлигини қайд этиш лозим. Банкларнинг активлари таркибида 2025 йил кесимида кредит қўйилмалари камайиб борганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, ушбу даврда активлар таркибида инвестиция ва молия бозоридаги иштирокнинг ҳажми ортиб борганлигини қайд этиш лозим. Бундан ташқари, банкларнинг молиявий инструментиладан фойдаланган ҳолда активларни шакллантириши кескин пасайганлиги банкларнинг фаоллигини ошириш лозимлигини ўзида кўрсатиб беради.

2-жадвал

Тижорат банклари жамланма баланси [12]

Кўрсаткичлар номи	01.09.2024 й.		01.09.2025 й.		Ўзгариши, фоизда
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
Активлар					
Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	22 784	3,1	27 023	3,1	19
Марказий банкдаги маблағлар	27 668	3,8	30 903	3,6	12



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'OYALAR



Бошқа банклардаги маблағлар-резидент	34 337	4,7	39 084	4,5	14
Бошқа банклардаги маблағлар-норезидент	38 222	5,2	47 500	5,5	24
Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар	50 258	6,9	75 530	8,8	50
Мижозларнинг молиявий инструментлар бўйича мажбуриятлари	1 098	0,2	786	0,1	-28
Кредит қўйилмалари, (соф)	494 596	67,6	562 502	65,2	14
Асосий воситалар, (соф)	22 550	3,1	28 827	3,3	28
Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар	24 136	3,3	26 663	3,1	10
Банкнинг бошқа хусусий мулклари	5 913	0,8	7 082	0,8	20
Бошқа активлар	10 042	1,4	17 237	2,0	72
Жами активлар	731 605	100	863 136	100	18
Мажбуриятлар					
Депозитлар	283 138	45,3	363 725	49,5	28
Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи	2 046	0,3	1 235	0,2	-40
Бошқа банкларнинг маблағлари-резидент	30 308	4,8	34 091	4,6	12
Бошқа банкларнинг маблағлари-норезидент	18 053	2,9	16 881	2,3	-6
Олинган кредитлар ва лизинг операциялари	229 233	36,6	246 774	33,6	8
Чиқарилган қимматли қоғозлар	23 669	3,78	32 680	4,5	38
Субординар қарзлар	13 833	2,2	12 608	1,7	-9
Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	9 071	1,5	9 086	1,2	0
Бошқа мажбуриятлар	16 155	2,6	17 294	2,4	7
Жами мажбуриятлар	625 507	100	734 374	100	17
Жами капитал					
Устав капитали	72 990	68,8	91 375	71,0	25
Қўшимча капитал	1 402	1,3	1 464	1,1	4
Захира капитали	12 296	11,6	14 004	10,9	14
Тақсимланмаган фойда	19 409	18,3	21 919	17,0	13
Жами капитал	106 097	100	128 762	100	21



2-жадвалда келтирилган банк тизими молиявий кўрсаткичларида жами капиталга доир бўлган рақамларни ҳам кўриш мумкин. Ҳар бир капитал бўйича ўсиш даражаси кузатилган бўлсада, уларнинг умумий капиталдаги улуши ўзгаришларга юз тутган. Жумладан, жами капиталдаги устав капитали ортган бўлсада, тақсимланмаган фойда улуши эса камайганлигини кўриш мумкин.

Умуман олганда, банк тизимида активларнинг таркибида молия бозорридаги иштирок ошиб бораётган бўлсада, молиявий натижа – тақсимланмаган фойданинг улушини камаяётганлиги вужудга келмоқда. Бу эса, банкларнинг устав капиталини оширишга қўйилган талабларнинг ортиши билан изоҳланиши мумкин.

Хулоса

Умуман олганда, банкларнинг молиявий натижадорлиги қуйидаги элементлар билан билвосита ўз аксини топади экан. Биринчидан, банкларнинг активлари ва капитали рентабеллиги.

Иккинчидан, банкларнинг ҳар бирлик харажатида тўғри келадиган даромад миқдори даражаси.

Учинчидан, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда халқаро стандартларнинг меъёрларига эътибор қаратиш кабиларни келтириш мумкин. Бунда банкларнинг молиявий кўрсаткичларини тартибга солишда ва унинг молиявий натижадорликни оширишдаги ҳиссасини белгилаш кабиларни инobatга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фикримизча, банкларнинг молиявий натижадорлиги активларни самарали бошқариш билан бирга мажбуриятларни ортиб кетишига йўл қўймаслик каби тенденцияларни ўзида акс эттириб беради. Бу эса банкларнинг жами капитали таркибида барқарор тақсимланмаган фойданинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу боисдан, банкларнинг молиявий натижадорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда эътибор берилиши лозим бўлган жиҳатлар ўз аксини топади, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Adam M. H. M. Evaluating the Financial Performance of Banks using financial ratios- A case study of Erbil Bank for Investment and Finance //European Journal of Accounting Auditing and Finance Research. – 2014. – Т. 2. – №. 6. – С. 162-177.
2. Pinto P. et al. An evaluation of financial performance of commercial banks //International Journal of Applied Business and Economic Research. – 2017. – Т. 15. – №. 22. – С. 605-618.
3. DeYoung R. The financial performance of pure play Internet banks //Economic Perspectives-Federal Reserve Bank of Chicago. – 2001. – Т. 25. – №. 1. – С. 60-73.
4. Gangi F. et al. Corporate social responsibility and banks' financial performance //International Business Research. – 2018. – Т. 11. – №. 10. – С. 42-58.



5. Зубов С. А. Финансовые результаты банковского сектора в 2021 г // Экономическое развитие России. – 2022. – Т. 29. – №. 2. – С. 41-44.
6. Пожидаева Т. А., Щетинина О. И. Анализ влияния операционного риска на финансовые результаты коммерческого банка //Финансовая аналитика: проблемы и решения. – 2016. – №. 28 (310). – С. 58-71.
7. Антонова М. В., Мишенин В. В. Исследование влияния объема привлеченных ресурсов на масштабы деятельности и финансовые результаты банков //Финансовая экономика. – 2021. – №. 2. – С. 7-10.
8. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази рейтингида Ўзбекистон банк сектори. <https://review.uz/oz/post/bankovskiy-sektor-uzbekistana-v-reytinge-ceir>
9. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази рейтингида Ўзбекистон банк сектори. <https://review.uz/oz/post/bankovskiy-sektor-uzbekistana-v-reytinge-ceir>
10. Зуннунова Х.М. Тижорат банкларининг бозор қийматини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Тошкент: БМА, 2022. – 52 б.
11. Ханнаев Ш.Қ. Тижорат банклари фаолияти самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Тошкент: БМА, 2021. – 62 б.
12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк маълумотлари. www.cbu.uz